



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 9 август, шанба

№64 (11.555)

Эркин нархда сотилади

Республика аёти

- ◆ Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Олий мартабали меҳмонни Самарқанд аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов кутиб олди. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ҳамкорлик истикболлари, томонларни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.
- ◆ Самарқандда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Президент Ислон Каримов ўз сўзида вилоятда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари, мавжуд муаммолар ва уларни ечиш йўллари алоҳида эътиборни қаратди.
- ◆ Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида мамлакат галлакорлари жуда катта галабага эришдилар. Далалардан биринчи мартаба 5 миллион 10 минг тонна дон ҳосили йиғиштириб олинди. Уруғчиликка эътибор кучайганлиги, илғор агротехникани кенг қўллаш, галлакорларни рағбатлантириш тўғри йўлга қўйилиши, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бу галабанинг асосий омиллари бўлди.



МАХАЛЛАМ – ФАХРИМ

**Чунки, унинг тимсолида мен юртимиз
равнақини, истиклол йилларида амалга
оширилаётган ислохотлар самарасини, халқ
фаровонлигини юксалтиришга алоҳида
эътиборни кўраман**

Истиклолимиз шарофати билан ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз ва қадриятларимизнинг кўзгуси бўлган маҳаллалар ҳаётини халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатлари, меҳр-шафқат, мурувват, ҳамжиҳатлик каби олжанаб фазилатлари тобора ёрқин намоён бўлиб бормоқда.

Мактаб бозори

Ўқувчиларга қулайлик



Ҳадемай, мактабларимизда ўқувчиларнинг шўх-шодон қий-қирикларини, ёз бўйи энтиқиб кутилган дарс соатлари бошланади. Хўш, уларни ўқув қуроллари, мактаб кийимлари билан таъминлаш муаммосини ечиш қай даражада йўлга қўйилган? Мактаб бозори харидорларига қандай қулайликлар яратилган?

— 2003-2004 ўқув йилида харидорларга бир қатор қулайликлар яратиш мақсадида вилоят шаҳар ва туманларининг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида, қишлоқларда, маҳаллаларда 65 та мактаб бозори, 51 та мактаб бозори бўлимлари ташкил этилди, — дейди вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик компанияси Маркетингсавдо ва умумий овқатланиш фаолиятини ташкил этиш бошқармасининг бошлиғи Ботир Қорахўжаев. — Ўқув қўлланмалари ва дарсликларни «Ўздавкитобсавдо», «Тўйтепасавдо»,

ЁШ ФЕРМЕРЛАР АҚШГА БОРАДИ

Мамлакатимизда фермерчиликни янада ривожлантиришга нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам муайян ҳисса қўшмоқда. "Янги юкори технологиялар" тараққиёт маркази шунлардан биридир.

Ўтган йили ташкил этилган мазкур марказнинг мақсади ўзбекистонлик турли соҳа ходимларининг ривожланган давлатлардаги замонавий технологияларни ўрганиши ва қўллашига қўмаклашишдан иборатдир.

Ҳозирга қадар ушбу дастурга мувофиқ ўтказилган танловда сараланган йигирмадан зиёд ёш фермер АҚШда малака оширяпти. Навбатдаги танловда эса ўттизга яқин номзод қатнашяпти. Танлов ғолиблари АҚШга борадилар.

Ў.А.

«Олмазорсавдо», «Бекободсавдо» бозорлари узлуксиз етказиб бермоқда. Шу кунга қадар 90 фоиз — 60 миллион сўмликдан ортиқроқ савдо маҳсулотлари харидорларга сотилди. Мактаб бозори икки ойлиги давомида жами 74 миллион 250 минг сўмлик дарслик, қўлланма ва бошқа мактаб ашёлари сотиш кўзда тутилган. Бозорларимиз ўқувчилар эҳтиёжи учун 40 турдан ортиқ маҳсулотлар билан таъминланган. Ўқувчиларга мактаб кийимлари эса 20 фоиз арзонлаштирилган баҳоларда сотилмоқда. Бунда Янгийўлнинг «Янги Вега», Чирчикнинг «Кибо» пойабзал фабрикалари, енгилсаноат тизимидаги корхоналар, хусусий тадбиркорлар ҳамда қўшма корхоналар билан ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда.

Мактаб бозорлари 15 сентябрга қадар ўз фаолиятини давом эттиради.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: Юқоричирик тумани марказида ташкил этилган «Мактаб бозори» сотувчиси Холита Мирҳайитова харидорлар хизматида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Эртага – Қурувчилар куни

КАСБ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида қурувчиларнинг анъанавий касб байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Бу ерга қурувчилар, муҳандислар, соҳа фахрийлари ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов йиғилганларни касб байрами билан табриклар экан, мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини таъкидлади. Жумладан, айни кунларда Фарғонада улкан азот корхонаси, Амударё устидан автомобиль ва темир йўл кўприги қурилмоқда, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўли йўналиши бунёд этилаётир.

Ватанимизнинг пойтахти Тошкент шаҳрида эса миллий ва замонавий меъморлик анъаналари уйғунлаштирилган ҳолда бир-бирдан муҳташам ва гўзал бино ҳамда иншоотлар қад ростламоқда.

Қурувчиларимиз мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрамига мамлакатимиз кўркіга кўрк, шуқуҳига шуқуҳ қўшадиган янгидан-янги иншоотлар, турар-жой бинолари, равон йўл ва кўприклар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, тиббиёт муас-

сасалари, боғ ва хиёбонларни тухфа этмоқда. Пойтахтимизда қурилиши якунланиш арафасида бўлган кичик халқа йўлининг учинчи навбати транспорт қатновини тез, қулай ва бехатарлигини таъминлаши билан бирга йўловчиларнинг вақтини тежашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ қурувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти кечага алоҳида файз бахш этди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдурахмонов иштирок этди.

Ў.А.

Ўзбек корхонасига сифат соврини

BID (Business Initiative Directors) халқаро ташкилотининг Мадридда жойлашган штаб-квартирасидан хабар қилишларича, «Лак Колор синтез» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси BID олтин совринига муносиб топилди.

— Халқаро сифат совринини олиш корхонамиз ва ходимларининг сифат жиҳатдан баркамолликка интилишини тасдиқлайди ҳамда мижозлар эҳтиёжини қондиришда уларга куч бағишлайди, — дейди ташкилотнинг сифат бўйича директори Альфонсо Касале «Лак Колор синтез» корхонасига йўллаган табрик мактубида.

Мустақиллиқнинг илк давридан бошлаб, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири халқаро бозорда рақобатбардош юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар яратишга интилиш бўлди. Ўзбекистон корхоналарига нуфузли халқаро мукофотларнинг берилиши бу интилиш ўз самараларини бераётганидан далолатдир.

«Жаҳон» АА.

Истеъмолчи

Зап замонлар бўлди-да! Одамлар танлаб-танлаб еб-ичади-ган, кийинадиган бўлишди. Бозордан ул-бул харид қилган одамга маҳсулот ёкинқирамаса, алмаштириши ёки қайтариб бериши мумкин. Лекин...

Истеъмолчилар ҳуқуқи борлиги, у давлат томонидан кафолатланганлигини яхши билмайдиганлар ҳам бор. Сотиб олган маҳсулотларининг сифатсизлиги ёхуд кўрсатилган хизмат савиясининг пастлигига эътибор бермаётганлар ҳам учраб турибди ораимизда.

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси ва Бўстонлиқ тумани жамияти ҳамкорликда ўтказган ўқув-семинар истеъмолчиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур англашлари, улар давлат томонидан муҳофазаланганликларини тушуниб олишлари, одамларнинг онгида «истеъмолчи» сўзининг мазмун-моҳиятини шакллантиришга яқиндан ёрдам бериш, десак муболаға бўлмайди. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни ўрганамиз» мавзусидаги ушбу ўқув-семинарда туман, шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқини

ҳимоя қилишда жамоатчилик ролини ошириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан сўнг вилоятда кўплаб мақташга арзигулик ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди. Республика миқёсида

— деди Бўстонлиқ тумани истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси Муҳаббат Тўхтаева. — Бунда биз кўпроқ маҳаллалар фаоллари ёрдамига таянмоқдамиз. Улар савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналаридаги қоидабузарликлар ҳақида бизга хабар бермоқдалар. Жамиятимиз аъзолари эса, ўша жойларда бўлиб, тартиб ўрнатиш чораларини кўрадилар.

Шунингдек, ўқув-семинар иштирокчилари истеъмолчиларнинг товар сотиб олиш ва хизмат турларидан фойдаланишларида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришнинг аҳамияти, соғлиқни сақлаш, савдо, транспорт ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида истеъмолчиларга белгиланган тартибда хизмат кўрсатишни ташкил этиш каби қатор мавзуларда маърузалар тингладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раиси Зухра Сайдаминова иштирок этди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ҲАММА ГАП ЎЗИМИЗДА

ҳимоя қилиш жамиятлари, маҳаллалар, бозорлар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари, таянч гуруҳлари аъзолари, ҳудуддаги корхона, ташкилот, таълим муассасалари ходимлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик, туман истеъмолчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Асосий эътибор «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, уни амалда тўла-тўқис қўллашга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини

олиб қаралганда, ҳозирги кунда 14 та ҳудудий бирлашма, 210 та туман ва шаҳар жамиятлари ҳамда 20 мингга таянч гуруҳлари фаолият юритиб келмоқда.

Семинар давомида кўпдан-кўп муаммолар тилга олинди. Жумладан, фуқаролар транспорт хизматида фойдаланишганда, дўкондан маҳсулот харид қилишганда чек ёки чипта сўрашмаслиги, хонадонда сув, газ, электр қуввати таъминоти издан чиқса, истеъмолчилик ҳуқуқларини талаб қилмасликлари ачинарли ҳолдир.

— Эндиликда жамоатчилик асосида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга ўтдик,

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТУҲФА

Осиё кўзи ожизлар ассоциациясининг Деҳлидаги котибияти мамлакатимиз кўзи ожизларини янги ўқув дастгоҳлари билан таъминлаш мақсадида ёзиш учун пластик мослама ва махсус таёқчалар, жами 4,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги инсонпарварлик ёрдамини Ўзбекистонга жўнатди.

Мазкур инсонпарварлик юкини Тошкентга келтиришга давлатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кўмаклашди.

— Дунёнинг қайси бурчагида яшашидан қатъи назар, ёруғ дунёни кўришдан маҳрум одамларга мурувват кўрсатиш, улар ҳолидан доимо хабар олиб туриш катта олижанобликдир. Қадимдан ҳинд ва ўзбек халқлари бир-бирини яхши билади, улар бизнинг заминимиз халқи учун яқин дўст, маданиятларимиз муштарак, ўзаро борди-келдиларимиз эса тобора кенгайиб бораётир. Шу боис юбораётган камтарин кўмагимиз билан ўзбеклар юртида яшаётган кўзи ожизлар мушкулени бирозгина енгиллата олсак биз ўзимизни бахтиёр ҳисоблар эдик, — деди Осиё кўзи ожизлар ассоциациясининг бош директори Ж. Каул.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА, Деҳли.



Ўртачирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг 60 нафар оилавий пудратчилари 306 гектар майдондаги гўзани агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда парваришламоқдалар. Ҳозир ҳар туп гўзада ўртача 10 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Бу экинни маъданли ўғитларга тўйдиришдан ташқари, маҳаллий ўғит шарбат усулида оқизилганлигининг натижасидир.

СУРАТДА: бошқарув раиси Абдурашид Ваққосов (ўнгда) пудратчи Расул Муллаев даласидаги ҳосил чўғини кўздан кечирмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Паркентнинг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган Халқаро аэрокосмик мактабда Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги ҳамда космик фазога биринчи аёл космонавтини чиқишига бағишланган XV халқаро ўқув бўлиб ўтди.

ЮЛДУЗЛАРГА ИНТИЛИБ...

Унда ўзбекистонлик 35 нафар, Россия, Франция, Қозғистон, Тожикистон ва Озарбайжондан 20 нафар мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Ўқув-семинар пайтида илмий-техник, умумжисмоний, махсус таълим ва маданий дастурлар ўтказилди. Ўқувчилар ЎзФА Президенти, академик Б.С. Йўлдошев, академик Ш.Воҳидов, космонавт-учувчи С.Шарипов, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В.П. Кучеров ва бошқа олимларнинг «Коинот эволюцияси», «Ўзбекистонда коинот бўйича тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш истикболлари», «Йирик космик конструкциялар», «Ўзбекистонда авиация ишлаб чиқариш соҳасининг истикболлари» каби мавзулардаги маърузаларини тингладилар.

Журналист Шаҳобиддин Зайнутдинов талқини асосида режиссёр Хожимурод Валиев яратган «Юлдузларга интилиб...» ҳужжатли фильми намоиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ҳозирда Америка-Россия қўшма экспедицияда экипаж командири сифатида Хюстондаги Жонсон номли космик марказ ва Россия космос марказида фазо парвозига тайёргарлик кўраётган ўзбек фазогири Солижон Шариповнинг таъкидлашича, фильм академик Шавкат Воҳидовнинг намунали ҳаёт йўли, унинг илмий фаолиятини тўлақонли очиб берган.

«Туркистон-пресс».

Кўргазмага марҳамат!

2003 йил, 11-17 август кунлари «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, «Ўзбекчармпойабзали» ва «Ўзбек ипаги» давлат уюшмалари тизимидаги саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган кузги-қишки мавсумий халқ истеъмоли молларининг кўргазмали чакана савдо ярмаркаси ўтказилади.



Янги линия фойдаланишга топширилди

Истиклолимизнинг 12 йиллик тўйи арафасида «Асташ» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ўзига хос технологик линия ишга туширилди.

Ушбу линиянинг ўзига хос томони шундаки, унда замонавий технологиялар асосида юпқа, бироқ пишиқ картон галтаклар, турли диаметр ва ҳажмда цилиндрлар тайёрлаш мумкин. Буюртмачининг истаги тез ва ўз вақтида бажарилади.

«Асташ» қўшма корхонаси аслида тўқимачилик корхоналари учун махсус картон конусларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ушбу конусларга кейинчалик тўқимачилик саноатида фойдаланиладиган ип уралади. Қўшма корхона ўз маҳсулотини фақат маҳаллий хомашдан тайёрлайди. Германиядан келтирилган бешта узлуксиз ишлайдиган линия бир ойда икки миллионга яқин ана шундай конусларни ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳаммаси эҳтиёжга боглиқ. Агар ушбу маҳсулотга талаб ошса, ишни икки, уч сменада ташкил қилиб, кўп миқдорда маҳсулот тайёрлаш мумкин.

Янги ускуна янгича ёндашувни талаб қилади. «Асташ»да ёшларни ишлаб чиқаришдан ажратмаган ҳолда ўқитиш ташкил этилган. Улар янги ускунани батафсил ўрганади, машгулотларда техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Корхонада бошқа тадбиркорлар урганса арзигулик нарсалар кўп.

— Мақсадимиз фақат олдинга интилиш, — дейди қўшма корхона бош директори Ж.Содиқов. — Ватанимиз мустақиллиги байрами арафасида Ўзбекистон равақига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандмиз.

Ў.А.

Ярмаркага ўрта ва кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, вилоятнинг улгуржи базалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча савдо корхоналари ҳамда аҳоли таклиф этилади.

Манзил: Чирчиқ шаҳри, «Чирчиқ универмаги» биноси. У. Юсупов кўчаси, 28«а»-уй.



вий ишларни жонлантириш, муқаддам судланганлар билан тарбиявий иш олиб бориш, ёшларни иш билан таъминлаш, коммунал хизматлар учун аҳолидан олинadиган ҳақларни йиғишда кўмаклашиш, аҳоли ўртасида билим ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб этиш, ёшларни ўқиш ва касб-хунарга даъват этишда, қолаверса, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлашда жуда муҳим аҳамият касб этмокда.

Энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит ва вазият фақат маҳаллаларда барқарор. Бу ташаббускор тузилма ўз зиммасидаги вазифаларни муваффақиятли бажариб келмокда.

Маҳаллаларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида тўхталиб, Юртбошимиз Ислон Каримов шундай деб таъкидлаганди: «... ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар-жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганлигини барчамиз кўриб турибмиз».

Халқни, оммани самарали равишда уюштирадиган, тарбиялайдиган ва омма ақлу заковати ҳамда тарихий тажрибаси асосида яратилган бундай ташкилий тизимнинг аҳамияти хорижий мамлакат тадқиқотчиларининг ҳам диққат-эътиборини тортмокда. Улар мамлакатимиздаги осойишталик ва барқарор тинчликнинг, бунёдкорлик ва ободончиликларнинг сабаб ва манбаларини излаб, уларнинг бош омили маҳаллалар, деб эътироф этмокдалар.

Мустақиллигимизнинг ўн икки йили давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи комиссиялари, кўпгина хорижий делегациялар, илм-фан намоёндалари маҳалламизга

(Давоми. Боши 1-бетда).

ташриф буюришиб, унинг ободончилик, таълим-тарбия, миллий қадриятларимизни тиклаш ва янада такомиллаштириш, айниқса, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш соҳаларидаги фаолиятига ижобий баҳо бердилар.

МАҲАЛЛАМ



— ФАХРИМ

Бир вақтлар ташландик бўлиб ётган жойда ҳашар йўли билан қад кўтарган маҳалламиз идораси том маъноси билан тарбия масканига айланди. 2002 йилги кўрик-танлов ғолибларидан бири бўлган маҳалламизда «Маънавият-маърифат» уйи, кутубхона, маҳалла «дарсхонаси» ва мажлислар зали барпо этилди. Охунбобоев номли ширкат хўжалигидан ташқари яна икки ҳомий маҳалламизга бир миллион сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатди. Натижада маҳалламизда спортнинг футбол, стол тенниси, волейбол, шохмат-шашка ва миллий кураш турлари ривожланиб, фарзандларимиз бўш вақтларини мазмунли ўтказмокдалар. Маҳалланинг ёш қизлари учун зардўзлик тўгараги очилиб, ҳафтасига икки кун машғулот олиб борилмокда.

Маҳаллада «Оила — мактаб — маҳалла» тизимининг

талабларига қатъий риоя этиш, ёшлар онгига ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданиятни ва миллий мафқурани сингдириб бориш, уларни музей, театр ва қадимий шаҳарларга экскурсияларга олиб бориш, истиқлолимиз шарофати билан қад кўтарган ва қурилатган улкан иншоотлар билан таништириш, она-Ватанга муҳаббат, унинг қадимий тарихи, маданиятига ва ҳозирги улкан ютуқларига ҳавас уйғотмокда. Иккинчи томондан, бундай тадбирлар уларни диний экстремистик, ақидапарастлик каби зарарли оқимлар таъсирига бери-

зага ажратилган маблағлардан деярли 12 миллион сўм, саховатпеша ҳомийлар ҳисобидан эса 750 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳалла, том маънодаги ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқаришнинг ишончли мактаби бўлиб қолди.

Тўй ва маросимларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказишнинг, оилавий можароларни тинчтиришнинг биринчи маслаҳатгўйи ҳам маҳалла. Хонадонларда тўй ва маросимларни ўтказишда фаолларимиз бош-қош.

«Обод маҳалла» дастуридан келиб чиққан ҳолда урф-одатларимиздаги ортиқча жиҳатларни чегириб ташлаб, улардан тежалган маблағлар оила фарзандларининг яхши еб, яхши кийиб, яхши ўқишлари учун сарфланмокда. Ободонлаштириш ишларимиз ҳам режа асосида бормокда. Янги гулзорлар ташкил этилди, маҳалла хонадонларининг деярли барчасига газ ҳисоблагичлари ўрнатилди. Қишки мавсумга тайёргарлик кўриш учун газ ва сув масалалари бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга ошириляпти.

Огоҳлик ва хушёрликни кўлдан бой бермай, аҳиллик ва иноқликда ҳаёт кечириб, ҳамжиҳат бўлсак, истиқлолимиз самаралари янада ортиб, маҳаллаларимиз кўркам ва гўзал тус олишига, юртимиз бундан ҳам обод бўлиб кетишига шубҳа йўқ.

Эркин ФУЛОМОВ,
Тошкент туманидаги
Алишер Навоий номли
маҳалла оқсоқоли.



Изланиш, ташаббус

ҲАР БИР БОЛА — ЮРТ ФАРЗАНДИ

Уни қомил инсон қилиб тарбиялашда жамоатчиликнинг ўрни алоҳида бўлиши керак.

Бекобод шаҳридаги ал-Хўразмий номли маҳаллада ўсмирлар билан олиб бориладиган ишларни ташкил этишга шу нуқтаи назардан ёндошилмокда. «Обод маҳалла йили» вилоят дастурини амалга ошириш мобайнида шу мақсадга қаратилган ибратли ишлар, айниқса, қизгин тус олаяпти. Чунончи, вояга етмаган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиб, шу мақсадда турли ўйинлар, суҳбатлар, учрашувлар уюштирилмокда.

— Садриддин Айний маҳалласи болалари билан «Кувноқлар ва зукколар» танловини ўтказдик, — дейди маҳалла педагог-тарбиячиси Меҳриниса Мадиёрова. — Маҳалламиз болалар футбол жамоаси аъзоларининг маҳорати тобора ортиб бораёттир. Улар мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашяпти. Қизлар учун тўкувчилик-тикувчилик, каштачилик тўгарақлари ташкил этилди.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.

ЛИЗИНГ — МОЛИЯЛАШ ВОСИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисида бўлиб
ўтган йиғилиш лизинг
масалаларига бағишланди.

Тадбир парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари ҳамда Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмиталари томонидан Халқаро молия корпорациясининг Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мажлисида бугунги кунга келиб лизинг ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда корхоналарни ўртача ва узоқ муддатли молиялаштириш жараёнида асосий манба бўлиб қолгани таъкидланди. Тараққий топаётган давлатларда лизинг кичик, ўрта ва қайтадан ташкил қилинган корхоналар активларини оширишнинг самарали воситаси сифатида алоҳида ўрин тутади. Мазкур бизнес субъектлари аҳолини иш билан таъминлашда, инновацияларни жорий этиш ва бозор рақобатини юксалтиришда етакчи мавқени эгалламокда.

Ўзбекистоннинг лизинг соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони лизинг операцияларини изчил амалга оширишга хизмат қилмокда. Олий Мажлис томонидан «Лизинг тўғрисида»ги ва «Божхона тарифи тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ ҳамда Фуқаролик кодекслари ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар мамлакатимизда лизингни ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий муҳитни юзага келтирди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАГИМИЗ

Юртимизда соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ишида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февраль қарори билан тасдиқланган «Соғлом авлод» давлат дастури муҳим аҳамият касб этмокда.

Ҳозир республикаимизда соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама қомил инсонни шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириляптир.

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи қотибиятидан олинган маълумотга кўра, жойларда соғлом авлодни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб бориляптир. Хусусан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларни патронаж қилиш, икки ёшгача бўлган болаларни турли касалликларга қарши эмлаш ишлари самарали натижа бермокда.

Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимларидаги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича доимий ишловчи курсларда қарийб 63 минг нафар оила қурувчи ёш ўқитилди, 53 минг нафарга яқин ёш никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтказилди. (ЎЗА).

Тадбир

ЯНАДА КЎРКАМ ҚИЛИШ УЧУН

Зангиота тумани марказлашган кутубхоналар тизими ташаббуси билан Бўзсув қишлоғида «Маҳалла ободлиги — юрт фаровонлиги» номли тадбир бўлиб ўтди.

Унда хўжаликлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари ва туман кутубхоначилари иштирок этиб, маҳаллаларни янада обод ва кўркам қилиш учун нималарга эътибор бериш зарурлиги, бу борада қандай муаммолар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўз юритдилар.

Бўзсув қишлоқ маданият уйи бадийи ҳаваскорларининг чиқишлари тадбир қатнашчиларига кўтаринки руҳ бахш этди.

Гўзал СОЛИЖОНОВА.



СОВЧИЛАРНИ НИМА ҚИЗИҚТИРАЯПТИ?

12 фарзандим, 24 набирам, 16 абирам бор. Уларнинг бари ўзларидан тиниб-тинчиган. Аммо, гап бошқа томонда. Кейинги пайтларда бир нарса мени жуда ўйлантириб қўймоқда.

Яқинда набирам Саодатхонга совчилар келди. Бўлажак куда бўлмишлар қизимнинг таг-туғини суриштирганларида, унинг одоб-ахлоқи, ақлу заковатини сўраш ўрнига отасининг топиш-тутиши, онасининг қаерда ишлашини тергашибди. Бундан жуда хафа бўлиб кетдим. Агар қизнинг отаси

уларнинг кўнглидагидек топмаса, онаси уйда болалар тарбияси билан шуғулланган бўлса, куда бўлишмайдими? Инсон бахту иқболини бойлик ва мавқе билан ўлчаш мумкинми? Оиладаги тинчлик-осудалик, яқинларининг соғ-омонлиги, уларнинг иноқлиги — шу эмасми инсон бахтининг мезонлари?

Кўпинча ота-оналар фарзандларининг ноқобил чиққанидан нолиганини эшитиб қоламан. Ким айбдор бунга?

Экилган ниҳол боғбон парваршига қараб ўсганидек, фарзанд камолоти ҳам тарбияга боғлиқ-да.

Бир оилани биламан. Ота катта бир мансабда ишлайди, она ҳам тагли-туғли, иш жойи «фалон жой»да. Уларнинг яққаю ягона ўғиллари гиёҳхандми-ей бир бало йўлга кириб қолибди, деб эшитдим. Мана энди на отаси,

Мактуб

на онаси ва на уларнинг бойликлари-ю, нуфузлари болани тўғри йўлга сола олмапти. Едиришган, кийдиришган, тарбия ҳақида ўйлаб кўришмаган чоғи.

Хар нима бўлганда ҳам, барча фарзандларимизга инсофу тоғиқ тилайман. Демокчиманки, бир оилага совчи бўлган киши, аввало, ота-онасининг амалини, бойлигини эмас, хонадоннинг тинчлигини, фарзандларининг одоб-ахлоқини сўрасин.

Амал, бойлик топилади, аммо, қобил фарзанд улардан устун туради.

МУКАРРАМ момо,
Паркент тумани,
Номданақ қишлоғи.

Акс садо

«КИМГА ТАҚЛИД ҚИЛЯПМИЗ?»

(19 апрель)


Газетада ана шу сарлавҳа остидаги мақолани ўқиганимдан сўнг, бир воқеа ёдимга тушди.

Иш билан шаҳарга тушган эдик. Юмуш битгач, кўча юзидаги бир ошхонага тушлик қилиш учун кирдик. Тўғримизда икки қиз ва икки йигит ўтиришар эди. Стол устида бир шиша спиртли ичимлик. Қизлар ҳам йигитлардан қолишмай ичишарди. Бироздан сўнг улардан бири чўнтагидан сигарета чиқарди. Қизлар ҳам биттадан сигаретани лабларига қистириб, чека бошлади.

Менга алам қилгани, улар ўзбек қизлари эди. Наҳот, шаҳар муҳити кишини шунчалик ўзгартириб юборса? Қишлоқда юравериб, бундай манзарага кўникмаганлигим учун ҳам, кўрганларимни ҳазм қила олмадим. Атрофимизда ўтирганларни эса, парвойи палак, худди ҳеч нарса бўлмагандек. Ахир шу тарзда давом этаверса, ўзбек аёлининг иффати, орномуси қаерда қолади.

Таҳририят ижодкорларига биргина илтимос: ана шундай мавзудаги мақолаларни кўпроқ бериб борсангиз. Зора кимларгадир ибрат бўлса...

Назокат ҚОСИМОВА,
Чиноз тумани.



Эътироз

ЙЎЛ ҲАҚИНИ ТЎЛАГАЧ....

Юмуш билан кўча-кўйда, жамоат транспортида юрмаган киши бўлмаса керак. Хар хил сабаблар билан кунда неча бор турли автобусларга чиқишимизга тўғри келади.

Кейинги пайтларда кўпчилик ҳатти мени ҳам бир нарсани қувонтирапти. Йўлларда хорижнинг ҳар томонлама қулай, чиройли, йўловчиларга жуда манзур транспорт воситалари кўпайиб бормоқда. Айниқса, яқинда Германиядан келтирилган «Мерседес-Бенц» автобусларини кўриб, кўзим қувнаб кетди. Бу яхши, албатта. Аммо, йўловчи ташувчи автобусларнинг аксариятида дилингизни хира, кийим бошингизни кир қилувчи ҳолатлар учраб турганига нима дейсиз? Баъзи автобусларга чиқсангиз, ўриндиқлардан тортиб, дераза четларигача чанг, баъзида эса тутқичлар-у, эшиклар четидан сизаётган қорамойдан ўзингизни қаёққа олиб қочишни билмай қоласиз. Бундай транспортда юргандан кейин ахволингизни тасаввур этаверинг. Ахир йўл ҳақи тўлаган ҳар бир йўловчи сифатли хизмат ўрсатилишини хоҳлайди. Автокорхоналар раҳбарлари бу ҳақда ҳам ўйлаб кўришса, фойдадан ҳоли бўлмас эди. Ахир эски автобусларни ҳам рисоладагидек тоза тутиш, хизмат маданияти ва сифатини ошириш мумкин-ку!

Марваридхон
КИМСАНОВА,
Тўйтепа шаҳри.

Сиз нима дейсиз?

Таҳририятга турли мавзуларда хатлар келади. Уларнинг баъзилари иқтисодий мавзуда бўлса, баъзилари маънавий-маърифий масалаларни ўзида акс эттиради. Аксарият мактубларда эса, оилавий муаммолар ҳақида фикр юритилади.

Эътиборли тарафи шундаки, учинчи тоифадаги бу мактублар ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларини бошдан кечириб, маълум сабаблар билан оилалари барбод бўлган кишилар томонидан жўнатилган. Улар исми-шарифларини ошкор этмаслик шарти билан ўз юрак дардлари ва бугуннинг оғриқ нуқталари ҳақида куюниб ёзадилар.

«Ёш оила фарзандсизлик оқибатида,



ГУЛ БАНДИДАГИ ТИКАН

пароканда бўлди, — деб ёзади хатлардан бирининг муаллифи. — Малакали шифокорлар маслаҳатини олишга эса икковиди ҳам ҳафсала йўқ эди. Кейин билсак, тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш ўрнига куёв отасининг қўли билан бу ишни «тўғрилаган» экан. Агар ўша пайтда мазкур хатога йўл қўйилмаганида, балки бу ташвишларга ўрин бўлмасмиди?

Ахир, қонун йўли билан меъёрий ҳужжатлар асосида ташкиллаштирилган никоҳдан олдинги тиббий кўрик бекорга эмас-ку?

Тўғри, ор-номус, андиша, ҳаё деган тушунчалар бор. Айниқса, биз ўзбеклар бундай пайтда айб ва нуқсонларимизни яширишга ҳаракат қиламиз. Қўйилаётган биргина хато қадам ўз ортидан яна кўп ташвишларни бошлаб келишини эса ўйламаймиз».

Ана шундай мактублардан яна бири: «Икки куда ўзаро келишиб, набирага бешик тўйи қиладиган бўлишди. Келиннинг ота-онаси бироз камчиқимроқ эканми, куёв тарафга қилинган сарпо-суруқларда «камчиликлар» қайнона келиннинг кўзини очирмай қўйибди. «Онанг уни қилмаган, бунга бермаган, сенлар ундоксанлар, бундоксанлар», деган гап-сўзлар кўпайди. Сабр косаси тўлган келин эри билан ажрашиб кетди.

Бу воқеани эшитганларнинг баъзилари айбни келинга ағдаришарди.

«Келин ёш, ҳаётда ана шундай баланд-пастликлар бўлади, чидаш керак эди», — дегувчилар ҳам топилди.

Хўп, бу масаланинг бир тарафи. Аммо, муам-

монинг иккинчи тарафи очиклигича қолмоқда. Хўш, бойлик, сарпо-суруқлар кимга бахт келтирганки, яна кимгадир вафо қилса?»

Яна бир хатда акс этган оила парокандалиги тафсилоти айниқса муҳим:

«Шаҳарда яшовчи бу оила бахтли эди. Ҳеч бир томондан камчилиги йўқ. Егани олдида, емагани кетида. Нима бўлди-ю, оила бошлиғи ичкиликка ружу қўйди. Натижада топиш-тутишидан ҳам берака қочди. Аҳвол шу даражага бордики, маҳаллада гап тарқалди: «Фалончи оиласини ўйламай қўйибди. Рўзгор тебратиш ташвишида хотини ёмон йўлга кириб, бола-чақа боқаётган эмиш».

Бунга қарангки, бу гаплар рост чиқиб қолди. Бир куни ширакайф эр кўнгли зино истаб, қўшмачи хонадонига борса, ўз аёлига рўпара келибди...

Табиийки, шундан кейин оила ажралиб кетди, икки фарзанд тирик етим бўлиб қолди».

Хўш, бу каби воқеаларни қандай изоҳлаш, қай мезон билан баҳолаш керак? Балки, оила қуришдек масъулиятга бепарволик, тўқликка шўхлик, ёйинки ношукрлик дея сўзни мухтасар қилган маъқулдир.

Дунёда турли тақдирлар, чигал ҳаёт жумбоқлари жуда кўп. Лекин, уларга беписанд қараш, эътиборсиз бўлиш ярамайди. Айниқса, ёш оилалар учун бу ибратли сабоқ бўлиши керак.

Хўш, сиз нима дейсиз, азизлар?

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг хатлар бўлими мудири.

Вилоят Тадбиркорбанк бошқармаси



Оққўргон ва Ангрен банк бўлимларида ишлаш учун танлов асосида олий маълумотли, юқори малакали Тошкент Молия ва Иқтисодиёт институтини «Банк иши», «Молия ва кредит», «Бухгалтерия ҳисоби» факультетларини тамомлаган, банк соҳасида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни таклиф қилади.

Манзилимиз: Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй. Ходимлар бўлимининг телефони: 50-07-15, 50-67-19 ёки жойлардаги банк бўлим бошқарувчиларига мурожаат қилинсин.

ЭКОЛОГИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Пойтахтимизда табиий ресурслардан тижорат ва ишлаб чиқариш мақсадларида оқилона фойдаланишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази билан ҳамкорликда ташкил этди.

Таъкидланганидек, юртимиз табиатининг гўзаллиги, ўсимлик ва ҳайвонот оламнинг ранг-баранглиги, нодирлиги билан фахрлансак арзийди. Бироқ табиий бойликлардан ҳўжасизларча фойдаланишдек салбий ҳолатлар иқлим шароитига, атроф-муҳит беғуборлигига муайян даражада зарар етказяпти.

Мамлакатимизда табиати асраб-авайлашга, эколо-

гик шароитни яхшилашга оид бир қанча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, 2003 йилнинг 1 майида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори табиатни муҳофаза

қилиш фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий усулларига ўтишни янада такомиллаштириш имконини бермоқда. Айни вақтда бу ҳужжат аввал қабул қилинган қонунларда назарда тутилган табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмни босқичма-босқич жорий этишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Семинар иштирокчилари — кичик ва ўрта бизнес вакиллари — мазкур ҳужжатлар ва бу борада амалга оширилаётган ишлар, қўлланилаётган тартиб-қоидалар билан яқиндан танишдилар.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



ХЕЧ КИМ ЙЎҚ ЭДИ

Россия Федерациясининг Хабаровск вилоятида «Мицубиси» русумли микроавтобус портлатилди. Мазкур машина маҳаллий тадбиркорлардан бирининг уйи яқинида турган эди. Портлаш пайтида яқин атрофда ҳеч ким бўлмаган.

ЙЎЛДАГИ ҲАЛОКАТ

Польшанинг Чешин шаҳридаги автомобиль йўлларида бирида ҳалокат юз берди. Оқибатда 15 дан ортиқ йўловчи оғир жароҳатланиб, зудлик билан яқин орадаги шифохоналарга ётқизилган. Уларнинг беш нафари оғир аҳволда.

ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИЛАР

Фуқаролар уруши авж олган Либерияга халқаро тинчликпарвар кучлар етиб кела бошлади. Айни пайтда Нигериядан келган тинчликпарвар кучлар мамлакатда барқарорликни таъминлашга киришган. Нигерия мудофаа вазирлигидан маълум қилинишича, улар Либерияда тинчлик ўрнатиб, демократик сайловлар ўтказилганидан сўнг ватанига қайтади.

УЙДИРМА ЭКАН

АҚШда оммавий ахборот воситалари давлат котиби Колин Пауэлл ва унинг биринчи ўринбосари Ричард Армитажнинг истеъфога чиқиши ҳақида хабар тарқатди. Хабарда айтилишича, Колин Пауэлл билан Ричард Армитаж 2005 йил январь ойида бўладиган президентлик сайловида президент Жорж Буш яна ғалаба қозонган тақдирда ҳам истеъфога чиқишини билдирган. Бироқ Оқ уй маъмурияти расмий вакиллари мазкур хабарни куруқ уйдирма, деб баҳолади.

ЖИДДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТАРАДДУДИ

Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотиди (НАТО) жиддий ислоҳотлар амалга оширилиши кутилмоқда. НАТО Бирлашган қуроли кучлари олий бош қўмондони, АҚШ генерали Жеймс Жонс энг замонавий ҳарбий техника билан қуролланган тезкор кучларнинг дастлабки гуруҳи тузилишини маълум қилди.

Сони ва қуроллантирилиши жиҳатидан бригада ҳажмида бўладиган бу қўшин жорий йилнинг 15 октябрига таъкил этилиши керак. Мазкур тезкор гуруҳ таркибига ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳарбий денгиз кучлари бўлинмаларини ҳам киритиш режалаштирилган.

ХАБАРЛАР РАД ЭТИЛДИ

ГФР мудофаа вазири П.Штрук Афғонистонда тинчликни сақлаш миссиясида Германиянинг иштирокини кенгайтириш ҳақида фикр билдирди. У Германия-Афғонистон алоқаларида ноҳарбий соҳалардаги ҳамкорлик устувор бўлиши лозимлигини таъкидлаб, бу мамлакатдаги халқаро тинчликни сақлаш кучлари (ISAF) таркибига хизмат қилаётган немис ҳарбийлари сонини ошириш тўғрисидаги хабарларни рад этди.

Вазирнинг таъкидлашича, Афғонистондаги «мовий қалпоқлар»га раҳбарлик қилиб келган ГФР ва Голландия 11 августдан қўмондонликни НАТОга топширади. П. Штрук тез орада немис ҳарбийлари Афғонистондан бутунлай олиб чиқиб кетилаётганини маълум қилди.



Берлиндаги Брандербург дарвозаси.

ЕВРОПА ЖАЗИРАМАСИ

Бу йилги ёз европаликлар учун анча ташвишли келди. Одамлар ҳароратнинг кескин кўтарилиб кетишидан азият чекмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёзнинг бу қадар жазирама келиши сўнги юз йил давомида қўзғатилмаган.

Айниқса, Франциянинг Ренн, Оксер, Монтелимаро шаҳарларида вазият анча жиддий. Маълумотларга кўра, бу ерда ҳаво ҳарорати ҳатто 41 даражага етган.

Италияда эса июнь ойининг бошларида шундай об-ҳаво кузатилиб, кейин иссиқ бироз чекингандек бўлган. Ҳозир эса жазирама мамлакатни яна ўз исканжасига олди. Маълумотларга кўра, ҳафта бошида ҳаво ҳарорати 39 даражага тенглашган.

Испанияда ҳам аҳвол ачинарли. Бу ерда офтоб уриши оқибатида 13 киши ҳаётдан қўз юмди. Уларнинг аксарияти болалар ва кексалардир.

Буюк Британияда эса йўловчи ва юк поездлари тезлигини пасайтиришга мажбур бўлмоқда. Сабаби, жазирама туфайли темир йўл излари анча зарар кўрган. Темир йўл мутахассисларининг таъкидлашича, агар об-ҳаво шу зайдда давом этса, яқин кунларда Европанинг бошқа ҳудудларидаги поездлар қатнови ҳам қисқариши мумкин.

Минтақада об-ҳавонинг кескин ўзгариши қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Биринчидан, аҳоли бундай ҳавога кўниқолмай, соғлиғини йўқотмоқда. Иссиқ ва дим ҳаво туфайли кўпчилик беморлар нафас қисийдан шикоят қиляпти.

Устига-устак, экология билан боғлиқ муаммолар ҳам минтақа учун долзарб бўлиб турибди. Шу кунгача иссиқ туфайли Франция, Германия, Чехия, Словакия, Испаниядаги йирик ўрмонлар ёниб кулга айланди. Бунинг натижасида мазкур мамлакатлар иқтисодиёти анча зарар кўрди.

Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши атом электр станцияси (АЭС) ходимларини ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Масалан, Франциянинг Фесенеме шаҳрида жойлашган АЭСлардаги ядровий реакторлар ҳозирча сув ёрдамида совутилмоқда. «Электрисите де Франс» компанияси раҳбарининг таъкидлашича, агар бу жараён фойда бермаса, ядровий реакторлар вақтинча ўчириб қўйилади.

Германиянинг Крюммель шаҳридаги АЭСлар эса иш фаолиятини 60 фоизга қисқартирган. Атом реакторларини совутишда фойдаланиб келинаётган Элба дарёси сувининг исий бошлагани бунга сабаб бўлган.

Соҳа мутахассислари Европадаги иссиқ об-ҳавонинг август ойи охиригача давом этишини таъкидламоқда.

Фазириддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ЯНГИ ПАРВОЗ ҲОЗИРЛИГИ

АҚШ фазони тадқиқ этиш ва аэронавтика миллий маркази (НАСА) Марс сайёрасига навбатдаги қурилмани ўчириш лойиҳасини тасдиқлади. Бу галги тадқиқот қурилмаси олдин ўчирилган икки қурилмадан фарқли равишда «қизил сайёра»нинг шимолий қутбига туширилади.

«Феникс» деб номланган ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши 2007 йилга режалаштирилган. Унинг умумий қиймати уч юз йигирма беш миллион АҚШ долларига баҳоланди. Лойиҳа муваффақиятли амалга ошса, қурилма 2008 йилда Марсга қўниши керак.

Қурилма Марсда бир метргача чуқурликда бўлган тупроқ ва муз қатламидан намуна олади ва муфассал кимёвий таҳлил қилиб, таркибда органик молекулалар мавжудлигини аниқлайди.

Маълумки, сайёраимиздаги баъзи микроорганизмлар музлаган сувда ҳам яшашга қодир. Олимларнинг таҳминларига кўра, Марсдаги муз қатламларида ҳам ҳаёт нишонларини топиш мумкин.

ҚОВОҒАРИ НИМАНИ ХУШЛАМАЙДИ?

Япониянинг Тамагава университети энтомологлари атторлик маҳсулотларидан фойдаланиш ҳашаротларнинг инсонга ҳамла қилишига сабаб бўлишини аниқлади. Шу боис олимлар тоғларда ёки шаҳар ташқарисида дам олиш ниятида бўлганларга аттир-упадан фойдаланмасликни маслаҳат бермоқда.

Мутахассисларнинг қовоғарилар билан тажриба ўтказиши натижасида шу маълум бўлдики, уларга мураккаб эфирлар ва спиртлар гуруҳининг органик бирикмалари, жумладан, пентанол-2 жуда ҳам ёмон таъсир кўрсатар экан. Бу модда нафақат атторлик, балки озиқ-овқат саноатида ҳам қўлланилади. У озиқ-овқат маҳсулотларига хушбўй ҳид беради. Тажриба жараёнида шу турдаги моддалар сингдирилган қоғоз бўлаклари ҳашаротлар уясига қўйилган ва ҳар сафар қоғоз бўлакларига ўнлаб қовоғариларнинг ҳужуми кузатилган.

Олимларнинг таъкидлашича, қовоғарилар бир-бирларини оғохлантириш жараёнида пентанол-2 моддасини ишлаб чиқараркан. Уларнинг захари таркибига мазкур хушбўй модданинг мавжудлиги бунга далил бўла олади.

ЭНДИ ПАРҲЕЗБОП БЎЛАДИ

АҚШнинг Мейн университети мутахассислари озиқ-овқат бозорида пайдо бўлган сиёҳранг гамбургерга талаб катта бўлишини таҳмин қилмоқда.

Рангли музқаймоқ ва ширинликларга ўч болакайлар бу антиқа гамбургерга ҳам бефарқ қарамастлигига мутахассисларнинг ишончи қомил. Борди-ю, бозори чаққон бўлса, ишлаб чиқарувчилар уни АҚШдаги 27 миллион нафар мактаб ўқувчисига тарқата бошлайди.

Айни пайтда сиёҳранг гамбургер тажриба сифатида бир гуруҳ болакайларнинг кундалик таомномасига киритилган. Гамбургернинг рангига черника, ёввойи бута меваси сабабчи. Маҳсулотда ёғ моддасини камайтириш ҳамда уни мева ва кўкатларда мавжуд фойдали моддалар билан бойитиш режалаштирилган. Янги гамбургерлар орқали мутахассислар вояга етмаганлар орасида семиришга қарши курашмоқчи.

